



4-shu'ba:

**AHOLI MIGRATSIYASINING IJOBIY VA SALBIY JIHATLARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

**ПОЗИТИВНЫЕ И НЕГАТИВНЫЕ АСПЕКТЫ МИГРАЦИИ
НАСЕЛЕНИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

**POSITIVE AND NEGATIVE ASPECTS OF POPULATION MIGRATION:
PROBLEMS AND SOLUTIONS**



**ҚОНУНИЙ ВА НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ: МУАММО ВА
ЕЧИМЛАР**



Абдуманноп Абдуҷаббарович ТУЛЯГАНОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори
ўринбосари бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор
E-mail: tulyganovabdumnp@gmail.com

Миродилжон Хомуджонович БАРАТОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бўлими
бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор
E-mail: mirodil707@mail.ru

Равшан Тулкунович ХАКИМОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бош
илмий ходими, юридик фанлар доктори, доцент
E-mail: ngo_uzail@mail.ru

Бори Тохтаходжаевич АКРАМХОДЖАЕВ

Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти катта
илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент
E-mail: 1370017a@gmail.com

Аннотация: муаллифлар мақолада қонуний ва ноқонуний миграция масалаларининг долзарб бўлиб бораётганлиги, хавфсиз, тартибга солинган ва қонуний миграциянинг глобаллашув жараёнларида қандай оғишмаларга эгалиги ва Ўзбекистон Республикасида бундай масалаларга қандай қарашлар ва ёндошувлар мавжудлиги тўғрисида фикр юритганлар.

Калитли сўзлар: миграция, мигрант, глобаллашув жараёнлари, миграциянинг турлари, мигрантларнинг меҳнати, мигрантларни ҳимоялаш, БМТ, ЖСТ, Ўзбекистон Республикаси.

Миграция – инсоннинг ўзи ва фарзандлари учун муносиб, хавфсиз ва тинч ҳаётга интилиши туфайли ўз ватанидан кўчиб чиқишидир. Меҳнат мигрантлари нафақат хорижий давлат, балки ўзлари мансуб бўлган давлат иқтисодиёти ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Миграция жараёнлари бутун бошли мамлакатларнинг hozirgi аҳволи ва келажagini белгилаб бера оладиган тасирчан воеликка айланиб бормоқда.

Миграция инсониятнинг ўзи каби қадимги тушунчалардан бири десак, ҳеч муболага бўлмади. Тарих давомида одамлар яхшироқ ҳаёт излаш, можаролардан қочиш ёки хавфсизликни излаш ёки шунчаки янги имкониятлар топиш учун кўчиб келган. Қадимги Греция ва Рим, Византия, Сомонийлар, Амир Темур ва Темурийлар салтанатида мигрантларнинг кўчиб келиши билан боғлиқ жиддий жараёнлар кечганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Умумий маънода миграция бир жойдан иккинчи жойга кўчиш жараёнидир. Ҳуқуқшунослик фанида **миграция** – қишлоқдан шаҳарга, маълум бир мамлакатдаги бир туман ёки вилоятдан ўша мамлакатдаги бошқасига ёки бир мамлакатдан янги мамлакатга кўчиб ўтишидир. Миграция бу ҳаракатни ўз ичига олади.

Аксинча, мигрант контекстага қараб бир ёки бир нечта сабабларга кўра шундай тасвирланган шахсдир. Кўп ҳолларда “мигрантлар” миграциянинг қайсидир шаклини ўз зиммаларига олишса-да, бу ҳар доим ҳам шундай эмас.

Баъзи ҳолларда, ҳеч қачон миграцияни амалга оширмаган одамлар мигрантлар, деб аталиши мумкин. Масалан, чет элда туғилган одамларнинг болалари, одатда, иккинчи ёки учинчи авлод мигрантлари, деб аталади. Бу ҳатто фуқаролик йўқлиги билан боғлиқ вазиятларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин, яъни бутун гуруҳлар бир мамлакатда туғилиб ўсган бўлишига қарамай, фуқароларнинг бир қисми фуқароликни олиш имкониятига эга эмас. Бундай одамларни расмийлар ҳатто тартибсиз муҳожирлар, деб ҳам аташлари мумкин.

Кўпчилик миграция мунтазам, хавфсиз ва тартибли – минтақавий йўналтирилганлиги ва кўпинча иш билан бевосита боғлиқлиги одамларни ажаблантириши мумкин. Миграция билан боғлиқ эътиборни тортадиган нарса ҳикоянинг фақат бир қисмидир. Миграция – бу нотўғри маълумотлар ва сиёсатлашдан чуқур таъсирланган муаммо бўлиб, ҳуқуқрон ғоялар миграциянинг мувоzanатли, аниқ ҳисобларидан – унинг оддий ҳақиқатларидан ҳам, вазиятга хос бўлган мураккаб воқеликлардан ҳам узокда.

БМТнинг 2024-2028 йилларга мўлжалланган янги стратегик режаси қўйидаги учта соҳада муҳим аҳамиятга эга: ҳаётни сақлаб қолиш ва ҳаракатдаги одамларни ҳимоя қилиш; кўчириш учун аҳолини сафарбар қилиш ечимлари ва мунтазам миграция учун йўлларни осонлаштиришдан иборат бўлган¹.

Бугунги дунё мамлакатлари халқлари ҳаётида миграция янги босқичга чиқди. Олдинги юз минг ёки миллионларни қамраган бу ижтимоий жараён бугунги кунга келиб, юзлаб, миллионлаб инсонлар ҳаётига дахлдор бўлиб қолмоқда.

Аҳоли миграцияси буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб, кенг миқёсда амалга ошмоқда. Миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Ташқи миграциянинг асосий сабаблари-иқтисодий қийинчилик, сиёсий берқарорлик, миллий низо ва урушлар бўлса, ички миграциянинг сабаблари ҳам шунга ўхшаш бўлиб, булар ҳам-иқтисодий танглик, мавсумий иш, миллий низо ва урушлар натижасида содир бўлиши мумкин. Ҳозирда уларнинг қаторига иқлим ўзгаришлари ҳамда экологиянинг бузиллиги каби омиллар ҳам қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўладиган таъсири нуқтай назардан ташқи миграцияларнинг аҳамияти бекиёсдир. Миграция хусусиятларига кўра – ўз хоҳшига ва мажбурий миграция турларига бўлинади. Ташқи

¹ Қаранг:

https://f1000research.com/human-migration-research?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATZwFlm8npxzrn_82Uc6kGVgGB6pwxr7zVo7ApELYerwJN7ZMQpH8VsaAkFIEALw_wcB; Migration and Literature
Günter Grass, Milan Kundera, Salman Rushdie, and Jan Kjærstad S. Frank ISBN: 9780230615472 DOI: 10.1057/9780230615472.

миграция кўпроқ иқтисодий сабаблар билан боғланган. Худудий камровига қараб – материкларга ва материк ичидаги миграцияларга ажратилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, улар сони 2000 йилга нисбатан 48 фоизга ортган. Ҳозирги ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 300 миллионга яқин халқаро муҳожири бор, бу эса бутун дунё аҳолисининг 3,6 фоизига тўғри келади. Бу ерда Ўзбекистонлик мигрантларни ҳам кўшиш лозим. Аммо можаролар, зўравонликлар, сиёсий ёки иқтисодий беқарорлик, шунингдек иқлим ўзгариши ва бошқа офатлар туфайли ўз мамлакати ичида ва ташқарисида кўчиб кетаётганлар сони ортиб бормоқда. 2022 йилда дунёда 117 миллион киши, 71,2 миллион ички кўчирилган одам бор эди. Бошпана изловчилар сони 2020 йилдаги 4,1 миллиондан 2022 йилда 5,4 миллионга етди, бу эса 30 фоиздан кўпроққа ошган¹.

Кўп одамлар мунтазам йўллардан ёпилган ва улар баъзан ўта хавфли бўлган тартибсиз каналларга мурожаат қилишади. Ушбу каналлар оммавий ахборот воситаларининг катта эътиборини тортади ва улардан фойдаланиш кўпинча бошқарувга бўлган ишонччи пасайтиради ва бутун дунё бўйлаб қисқа муддатли сиёсий манфаатлар учун қуроллантирилаётган нотўғри экстремистик ғояларни кучайтиради.

Асосий глобал ва минтақавий миграция маълумотлари ва тенденциялари ҳамда тегишли тематик масалалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги даврда миграция оқимларининг тобора ҳаракатга келиши кузатилмоқда. Бундай ҳаракатга келиш ҳоллари қуйидаги омиллар билан бевосита боғлиқдир: яшаётган мамлакатда фуқаролик урушининг юзага келиши ёки бу мамлакат ўзга мамлакат билан уруш ҳолатида бўлганлиги, экологик фожеалар натижасида одамлар яшаётган мамлакат худудини тарқ этиб, ўзга мамлакатларга кетиш ҳоллари мавжуд. Бундан ташқари, яшаётган мамлакатда иқтисодий инқироз ва ишсизлик ҳолати авж олганлиги муносабати билан² одамлар ўзга мамлакатларга иш қидириб кетиш ҳоллари, одатда, типик учрайдиган вазиятга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2022 йил учун тақдим этган кўрсаткичларига асосан хорижга мамлакатимиздан чиқиб кетган мигрантларнинг сони 8,8 минг нафар одамни ташкил қилди. Ушбу манбанинг маълумотларига кўра, Ўзбекистондан чиқиб кетган эмигрантларнинг сони 2022 йили 2018 йилга қараганда (1,76 млн.) икки мартаба қисқарди ва 880 минг нафар одамларни ташкил қилди. Гендерлик тақсимлов 2022 йили амалий жиҳатдан аёллар 57 фоизини ташкил қилган бўлса, эркеклар сони 47 фоизни ташкил қилди³ (Статистика агентлиги, 2023). Мигрантлар сонининг хорижий мамлакатлар бўйича чекланганлигига қарамадан, Россия Федерация бўйича қуйидаги омиллар аниқланди, яъни меҳнат мигрантларнинг сонини тебраниши аниқланди: биринчидан, мигрантлар яшовчи мамлакатлардаги умумий иқтисодий вазият ва мигрантларнинг иш кучидан фойдаланувчи тадбиркорларнинг РФдаги эҳтиёжлари. Иккинчидан, РФга кириш тартиби ва меҳнат бозорига кириш процедураси билан боғлиқ регистратсиявий тартиб-таомиллар. Учинчидан, меҳнат мигрантларининг ишга жойлашувига нисбатан бўлган тўсиқларнинг мавжудлиги (иқтисод соҳалари бўйича иш билан бандликни квоталаш, патент нархи ва ҳоказо).

Энди Ўзбекистонга мигрантларни қайтиб келишига эътибор қаратсак. 2024 йилнинг январь-март ойларида меҳнат миграциясидан 58 минг нафар, апрелда 57 минг нафар фуқаро

¹[https://aideznousaaid.com/2024/02/how-does-climate-change-affect-migration-in-africa/?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATaVqRyGIIY0WzWeWou0t7bEdIneEp2ZGOJzP8xobcIBIOgun87NqMaAheMEALw_wcB](https://aideznousaaid.com/2024/02/how-does-climate-change-affect-migration-in-africa/?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATaVqRyGIIY0WzWeWou0t7bEdIneEp2ZGOJzP8xobcIBIOgun87NqMaAheMEALw_wcB;); Migration and Literature Günter Grass, Milan Kundera, Salman Rushdie, and Jan Kjærstad S. Frank ISBN: 9780230615472 DOI: 10.1057/9780230615472; Rushdie, Salman (2002) - Step Across the Line.

² Қаранг: Behtoui, Alireza, and others (2020). Why are care workers from the global south disadvantaged? Inequality and discrimination in Swedish elderly care work. Ethnic and Racial Studies, vol. 43, No. 16, pp: 155–174.; Castaceda, Andrés, and others (2018). A new profile of the global poor. World Development, vol. 101(January).

³ Қаранг: Статистика Агентлиги, 2023; Трудовых мигрантов будут поддерживать по-новому// <https://review.uz/post/mehnat-migratsiyasi-jarayonlarini-takomillashtirish-choralari-korib-chiqildi> 2024, 03/04.

мамлакатга қайтиб келган. Йил охиригача яна 250-300 минг нафари қайтиши прогноз қилинмоқда¹.

Уларни ишга жойлаштириш, ижтимоий масалаларига кўмаклашиш муҳим. Бинобарин, миграция бўйича ягона ахборот платформасининг фаолиятига баҳо бериб, “маҳалла еттилиги” тизими билан интеграция муносабатларини ўрганиш, хорижда меҳнат қилаётган ва қийин вазиятга тушиб қолган юртдошларга кўмаклашиш, қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш лозим. Шу билан бирга, меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишнинг шаффофлигини таъминлаш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш ва мақбуллаштиришга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлланаётганлигига қарамай, тизимга бугунги кунда ҳам АКТни жорий этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Шу ўринда меҳнат миграцияси жараёнларидан иқтисодийликка келадиган даромадлар ҳажмини янада кенгайтиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни амалга ошириш аҳволини қониқарли, деб бўлмайди.

Меҳнат миграциясини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги мавжуд муаммолар қуйидагиларда кўринади:

- меҳнат рес.

урсларини ихтиёрий равишда кўчириш учун қулай шарт-шароитларни, хусусан, ички меҳнат миграциясининг уюшган шакллари яратиш, маъмурий-худудий бирликларнинг иш билан таъминлаш имкониялари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигини, сифати ҳамда тўлиқлигини таъминлаш зарурати юқориликча қолмоқда. Мазкур вазифаларни аниқ ҳал этиш механизми ҳамда буни назорат қилувчи электрон (шаффоф) тизим фаолияти йўлга қўйилмаганлиги;

- меҳнат мигрантларини жалб қиладиган ва улардан фойдаланадиган иш берувчилар (жисмоний ва юридик шахслар) томонидан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва солиқ қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлашнинг аниқ механизми мавжуд эмаслиги;

- чет элда вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловлар олишга доир ҳуқуқларини кафолатловчи норматив базанинг мавжуд эмаслиги;

- меҳнат миграцияси муаммоларини аниқлаштириш ва умумлаштириш борасида тадқиқотларнинг паллиативлиги;

- меҳнат миграцияси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ва уларни баҳолашнинг замонавий инновацион усуллари мавжуд эмаслиги;

- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча дипломатик ваколатхоналар, консуллик ва халқаро ташкилотлар ҳақида марказлаштирилган ва рақамлаштирилган маълумотларнинг электрон платформаси фаолиятига паллиатив баҳоларнинг мавжудлиги.

Буларнинг барчаси Ўзбекистондан кетган мигрантларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига салбий таъсир қилиши аниқ ҳолдир. Ҳаттоки, уларни Украина-Россия ҳарбий тўқнашувига жалб қилиш ҳолларидан ҳам мигрантлар истисно эмас. Айнан шундай вазиятлар мигрантларнинг хавфсиз, тартибли ва легал ташқи миграциясига муҳтожликдан далolat беради ва ҳуқуматларнинг бу йўналиш бўйича фаол самарали миграцияга оид сиёсатни амалга оширишини тақозо этади.

Хулоса. Миграциянинг глобаллашув жараёнида юзага келган оғишмаларига эътибор қаратиш лозим ва улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, оламда халқаро мигрантларнинг сони тобора ўсиб бориш оғишмасига эга. 2020 йили уларнинг сони 281 млн. одамга етди, бу эса бутун жаҳон аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил қилади².

¹ Қаранг: Статистика агентлиги.

² https://aideznousaaidr.com/2024/02/how-does-climate-change-affect-migration-in-africa/?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATaVqRyGIIY0WzWeWou0t7bEdIneEp2ZGOJzP8x0bcIBIOgun87NqMaAheMEALw_wcB; Migration and Literature
Günter Grass, Milan Kundera, Salman Rushdie, and Jan Kjærstad S. Frank ISBN: 9780230615472

Иккинчидан, мажбурий миграция юзага келган. Бундай миграция харбий тўқнашувлар ва зиддиятлар, зўравонлик, жиноятчиликнинг ўта оғир шакллариغا эга бўлгани ҳамда иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига тўғри келмаслиги оқибатида одамлар яшаш жойларини тарк этишга мажбурдирлар. Карбонат ангидрид (CO_2) газининг атмосферада кўпайиб бориши сайин иссиқлик даражаси тобора ошиб бораверади ва оқибатда, сув ҳавзаларининг ҳажми кескин равишда камайиб бораверади. Бу эса халқларнинг шимол томон ҳаракат қилишига ва кўпгина жойларда саҳроланиш жараёнлари авж олишига олиб келиши оқибатида экологик мигрантларнинг сони тобора ортиб бораверади. Бошқа денгизолди жойларда эса, денгиз сатҳининг тобора ортиши океанда мавжуд бўлган ороларни сув тагида қолиб кетишига сабаб бўлмоқда, чунки Ер сайёрасининг кутбларида муз ва қорларнинг эриш жараёнлари тобора кучайиб бормоқда. Буларнинг барчаси экологик мигрантларни пайдо қилапти.

Учинчидан, нолегал ёки ноқонуний миграция. Ноқонуний миграциянинг сони тобора ортиб бормоқда, айниқса, меҳнат миграцияси билан биргаликда унинг сонини ортиб бориши бугунги куннинг долзарб масаласига айланмоқда. Бундай ҳолат мигрантларни қабул қилувчи мамлакатларга бир талай муаммолар юзага келтирмоқда, чунки уларни қабул қилиш, жой билан ва иш билан таъминлаш, озиқ-овқат таъминлови, тиббиёт таъминлови ва бошқа зарурий таъминловларни ташкил этилишини тақозо қилмоқда.

Тўртинчидан, COVID-19 пандемияси миграциявий оқимларни вақтинчалик секинлаштирганлиги билан биргаликда мигрантларнинг кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий учун муҳимлигини кўрсатди, айниқса, соғлиқни сақлаш ва кишлоқ хўжалиги соҳаларида.

Бешинчидан, халқаро ташкилотлар, айниқса, БМТ мигрантлар учун хавфсиз, тартибга солинган ва легал миграция билан таъминланиши учун глобал келишувларни яратиш устида фаол равишда иш олиб бормоқда.

Бундан ташқари, халқаро ҳамжамиятда миграция жараёнларини назорат қилиш ҳамда меҳнат бозорида мигрант ишчилар манфаатини ҳимоя қилишда қуйидаги йўналишларга эътибор бериш керак:

биринчидан, чет давлатларга бориб ишламоқчи бўлганларга тузилаётган меҳнат шартномаларига минимал зарурий талабларни киритиш (меҳнат визаси, ижтимоий ҳимоя, тиббий суғурта, солиқлар ҳақида, шартнома муддати, иш ҳақи ҳажми);

иккинчидан, ишчи кучини импорт қилувчи давлатларда мигрант ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

учинчидан, мигрант ишчилар мамлакатларига қайтганларидан сўнг, уларнинг касбкорлиги, билимига мос иш топиб бериш.

тўртинчидан, мигрант ишчиларни ёллаётганда солиқ миқдори чекланган бўлиши керак.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотининг аъзоси бўлиши учун миграция билан боғлиқ масалаларни кўндаланг ҳал этиши – давр талаби сифатида намоён бўлмоқда. Шунга асосан ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ва унинг “Йўл харитаси”¹да меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси белгиланиб, давлат сиёсати мигрантларга нисбатан айнан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз² ва қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси³ мазкур мақсад ва вазифаларни амалга оширилишига

DOI: 10.1057/9780230615472; Rushdie, Salman (2002) - Step Across the Line.

¹ // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 йил, 06/20/6012/0953-сон. URL.: <https://www.lex.uz/uz/docs/4872355>.

² // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 йил, 03/23/837/0241-сон. URL.: <https://www.lex.uz/uz/docs/6445145>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 йил, 06/23/158/0694-сон. URL.: <https://www.lex.uz/uz/docs/6600413>.

Йўналтирилган бўлиб, ҳозирги даврда мигрантларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар изчил такомиллаштирилмоқда. Стратегиянинг 95-мақсадида “ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш, хорижда меҳнат фаолиятини юритаётган фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш” алоҳида қайд этилиб, унда меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ушбу мақсаднинг самарадорлик кўрсаткичларини ташкил қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 22.06.2020 йилдаги ПФ–6012-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 йил, 06/20/6012/0953-сон. URL.: <https://www.lex.uz/uz/docs/4872355>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ–158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 йил, 06/23/158/0694-сон. URL.: <https://www.lex.uz/uz/docs/6600413>.
4. https://f1000research.com/human-migration-research?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATZwFlm8nxpzm_82Uc6kGVgGB6pwxr7zVo7ApELYerwJN7ZMQpH8VsaAkFIEALw_wcB; Migration and Literature
Günter Grass, Milan Kundera, Salman Rushdie, and Jan Kjærstad S. Frank ISBN: 9780230615472 DOI: 10.1057/9780230615472
5. https://aideznousaaid.com/2024/02/how-does-climate-change-affect-migration-in-africa/?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATaVqRyGIIY0WzWeWou0t7bEdlneEp2ZGOJzP8xobcIBlOgun87NqMaAheMEALw_wcB; ; Migration and Literature
Günter Grass, Milan Kundera, Salman Rushdie, and Jan Kjærstad S. Frank ISBN: 9780230615472 DOI: 10.1057/9780230615472; Rushdie, Salman (2002) - Step Across the Line.
6. Behtoui, Alireza, and others (2020). Why are care workers from the global south disadvantaged? Inequality and discrimination in Swedish elderly care work. *Ethnic and Racial Studies*, vol. 43, No. 16, pp: 155–174.; Castaceda, Andrés, and others (2018). A new profile of the global poor. *World Development*, vol. 101 (January).
7. Статистика агентлиги, 2023
8. https://aideznousaaid.com/2024/02/how-does-climate-change-affect-migration-in-africa/?gad_source=1&gclid=Cj0KCQjwpP63BhDYARIsAOQkATaVqRyGIIY0WzWeWou0t7bEdlneEp2ZGOJzP8xobcIBlOgun87NqMaAheMEALw_wcB; Migration and Literature
Günter Grass, Milan Kundera, Salman Rushdie, and Jan Kjærstad S. Frank ISBN: 9780230615472 DOI: 10.1057/9780230615472; Rushdie, Salman (2002) - Step Across the Line.